

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAXSUS

TA'LIM VAZIRLIGI



NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI



**ILMIY
AXBOROTNOMA**

2022

- НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА
- SCIENTIFIC BULLETIN OF
NAMANGAN STATE UNIVERSITY



ISSN:2181-0427

journal.namdu.uz





Bosh muharrir: Namangan davlat universiteti rektori S.T.Turg'unov

Mas'ul muharrir: Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor v.v.b D.B.Dexqonov

Mas'ul muharrir o'rinbosari: O'quv ishlari bo'yicha prorektor D.S.Xolmatov

T A H R I R H A Y ' A T I

Fizika-matematika fanlari: akad. S.Zaynobbiddinov, akad. A.A'zamov, f-m.f.d., prof. B.Samatov, f-m.f.d., dots. R.Xakimov, f-m.f.n., dots. B.Abdulazizov, f-m.f.n., dots. A.Xolboyev.

Kimyo fanlari: akad. A.To'rayev, akad. S.Nigmatov, k.f.d., prof. Sh.Abdullayev, k.f.d., prof. T.Azizov, k.f.n., dots. T.Sattorov, k.f.n., dots. A.Hurmamatov.

Biologiya fanlari: akad. K.Tojibayev, akad. R.Sobirov, b.f.d., dots. A.Batashov, b.f.d. N.Abdurahmonov, b.f.d., dots. F.Kushanov, b.f.d. A.Kuchboyev.

Texnika fanlari: t.f.d., prof. A.Umarov, t.f.d., prof. S.Yunusov.

Qishloq xo'jaligi fanlari: g.f.d., prof. B.Kamalov, q-x.f.n., dots. A.Qazaqov.

Tarix fanlari: akad. A.Asqarov, s.f.d., prof. T.Fayzullayev, tar.f.d, prof. A.Rasulov.

Iqtisodiyot fanlari: i.f.d., prof. N.Maxmudov, i.f.d., prof.O.Odilov.

Falsafa fanlari: f.f.d., prof. M.Ismoilov, f.f.n., Z.Isaqova, f.f.d., G.G'affarova, f.f.n. N.Zaynobbiddinova, f.f.n., dots. T.Ismoilov, PhD. A.Abdullayev.

Filologiya fanlari: fil.f.d., prof. N.Uluqov, fil.f.d., prof. H.Usmanova, PhD. H.Solixo'jayeva, PhD. U.Qo'ziyev, PhD. H. Sarimsoqov, fil.f.d., N.Dosboyeva, fil.f.n., dots. S.Misirov.

Geografiya fanlari: g.f.d., dots. B.Kamalov, g.f.d., prof. A.Nigmatov.

Pedagogika fanlari: p.f.d., prof. U.Inoyatov, p.f.d., prof. B.Xodjayev, p.f.d., prof. O'.Asqarova, p.f.n., dots. M.Nishonov, p.f.n., dots. A.Sattarov, p.f.n., dots. M.Asqarova, p.f.n., dots. Sh.Xo'jamberdiyeva, p.f.n., dots. S.Abdullayev.

Tibbiyot fanlari: b.f.d. G'.Abdullayev, tib.f.n., dots. S.Boltaboyev.

Psixologiya fanlari: p.f.d., prof Z.Nishanova, p.f.n., dots. M.Maxsudova.

Texnik muharrir: N.Yusupov.

Tahririyat manzili: Namangan shahri, Boburshox ko'chasi, 161-uy

Faks: (0369)227-07-61 **e-mail:** info@namdu.uz

Ushbu jurnal 2019 yildan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosati qarori bilan fizika-matematika, kimyo, biologiya, falsafa, filologiya va pedagogika fanlari bo'yicha Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

"NamDU ilmiy axborotnomasi – Научный вестник НамГУ" jurnali O'zbekiston Matbuot va axborot agentligining 17.05.2016-yildagi 08-0075 raqamli guvohnomasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi (AOKA) tomonidan 2020-yil 29-avgust kuni 1106-sonli guvohnomaga binoan chop etiladi. "NamDU Ilmiy Axborotnomasi" elektron nashr sifatida xalqaro standarti turkum raqami (ISSN-2181-1458)ga ega NamDU Ilmiy-texnikaviy Kengashining 2022-yil 10-sentabrda kengaytirilgan 9-sonli yig'ilishida muhokama qilinib, ilmiy to'plam sifatida chop etishga ruxsat etilgan (Bayonnoma № 9). Maqolalarning ilmiy saviyasi va keltirilgan ma'lumotlar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi.

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI 2022

6. Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Международные стандарты в сфере справедливого правосудия и их реализация в Республике Узбекистан. –Ташкент: 2020.
7. Самичова Г.А. Инновацион таълим технологиялари. Монография. – «ISHONCHLI NAMKOR», 2021.
8. Каранг: Хокинг Стивен. Теория всего. –Москва: «АСТ», 2022.
9. Каранг: Харари Ю.Н. Краткая история человечество. Sapiens. –Москва: «Синдбад». 2020. Уники. Краткая история будущего. –Москва: «Синдбад», 2022; Уники. 21 урок для XXI века. – Москва: «Синдбад»: 2022.
10. Харари Ю.Н. 21 урок для XXI века. –Москва: «Синдбад»: 2020.
11. Нишонов О. Ўзбек этномаданиягининг эстетик функциялари. –Ташкент: «Фан», 2007.
12. Проблемы развития СМИ в условиях рынка. Сборник. –Екатеринбург: ЕГУ, 1999.

ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДА, МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ташметов Тухтасин Худайбергенович

Чирчик давлат педагогика университети доценти, фалсафа доктори(PhD)

E-mail: toshmetovtuxtasin@gmail.com

Аннотация: Глобал ўзгаришлар даврида бузгунчи ғоя тарғиботчиларининг ахлоқсизликка ундовчи ҳаракатлари туфайли келиб чиқаётган янги типдаги мафкуравий беқарорлик, ғоявий заифлик ва парокандаликларнинг олдини олиш, мафкуравий яккахоқимликка, ғоявий мутаассиблик, ғоясизликка қарши курашиш, унинг ўқ илдизига зарба бериш учун инновацион технологиялар асосида миллий ғояни ёшлар онги, ва қалбига сингдиришни бугунги давр тақозо этмоқда.

Калит сўзлари: миллий ғоя, маънавият, мафкура, глобал, демократия, тарғибот, инновация, технология, универсаллашув, интеграция, терроризм, экстремизм, «оммавий маданият», ахборот хуружи, таҳдид, мафкуравий зомби, диний эътиқод, мафкуравий иммунитет, умуминсоний қадрият

ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ И ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПЕРИОД ГЛОБАЛЬНЫХ ПЕРЕМЕН

Ташметов Тухтасин Худайбергенович

доцент Чирчикского государственного педагогического университета доктор философии (PhD)

Аннотация: В эпоху глобальных перемен предостеречь новый тип идеологической неустойчивости, идеологической слабости и дезорганизации, вызванных действиями пропагандистов деструктивных идей, бороться с идеологическим диктатом, идеологическим фанатизмом, безыдейностью, атаковать корень национальная идея в умах и сердцах молодежи на основе инновационных технологий Сегодняшняя эпоха требует впитывания.

Ключевые слова: национальная идея, духовность, идеология, глобальный, демократия, пропаганда, инновации, технология, универсализация, интеграция, терроризм, экстремизм, «массовая культура», информационная атака, угроза, идеологическое зомбирование, религиозное убеждение, идеологический иммунитет, универсальное значение.

IMPORTANT ASPECTS OF THE NATIONAL IDEA AND INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE PERIOD OF GLOBAL CHANGES

Tashmetov Tukhtasin Khudaiberganovich

Associate Professor, Chirchik State Pedagogical University,

Doctor of Philosophy (PhD)

Abstract: In the era of global change, prevent a new type of ideological instability, ideological weakness and disorganization caused by the actions of propagandists of destructive ideas, fight ideological dictate, ideological fanaticism, lack of ideas, attack the root of the national idea in the minds and hearts of young people based on innovative technologies. Today's era requires absorption.

Key words: national idea, spirituality, ideology, global, democracy, propaganda, innovation, technology, universalization, integration, terrorism, extremism, "mass culture", information attack, threat, ideological zombie, religious belief, ideological immunity, universal value.

Кириш

Бугунги кунда «глобаллашув» сўзи энг кўп ишлатиладиган тушунчалардан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ушбу тушунча инсон ва жамият ҳаёти ривожининг ҳозирги давридаги муҳим хусусиятларни, жумладан, тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, кишилиқ цивилизацияси бугунги кунгача бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир воқелиқни ўзида мужассам этади. Бу воқелиқлар эса глобал ўзгаришлар даврида тобора жадаллашиб бормоқда. Айни пайтда, глобал ўзгаришлар кишилиқ жамияти ривожда устувор бўлиб бораётган майللардан келиб чиқиладиган бўлса, инсониятнинг истиқболини ҳам тасаввур қилиш имконини беради.

Миллий ғоянинг глобал ўзгаришлар даврида ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у ҳар қандай жамиятнинг қадриятлар тизимида ўзининг ўрнига эга ва айнан қадриятлар ахлоқий меъёрларга амал қилинишида энг муҳим дастаклардан бири бўлиб, маълум бир минтақа ёки ижтимоий гуруҳнинг бошқаларидан ажратиб турувчи асосий хусусият сифатида намоён бўлади.

Глобаллашув жараёнида миллий ғоянинг қадри, унинг аҳамияти ва тамойиллари сусайиб бормоқда, жамиятни бошқариш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиб боришда анъанавий қондалар ўрнини доимий равишда таваккалчиликка асосланган, маънавий таҳдидлар, ғайриахлоқий енгил-елпи ҳаётни тарғиб қилувчи «оммавий маданият» эгаллаб бормоқда. «Ахлоқ инсонларнинг фақатгина маънавий-руҳий оламида акс эта бошлади, глобаллашув даврида эса қадриятлар асосан моддий эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб баҳоланади»[1].

Адабиётлар таҳлили ва методология.

Шунингдек, мавзуга доир маҳаллий ва хорижий адабиётларда инновацион технологияларни ишлаб чиқиш, унинг назарий асосларини ривожлантириш глобаллашув ҳамда унинг намоён бўлиш хусусиятларини, турли жиҳатларини тадқиқ ва таҳлил қилган хорижий олимлардан Г.И.Глебов, О.В.Милаева, М.М.Решетников, В.Л.Иноземцев, В. Ж.Келле, С. Е.Крючкова, И.В.Бестужев-Лада, С.Б.Крымский, С.С.Финдлай, Ч.Ж.Лумсен, Е.Н.Князева, И. Т.Балабанов, Г.А. Краюхин, Л.Ф. Шайбакова, Б.Санто, Х.Г.Барнетт, Л.Нефиодов ва бошқа[8] шу қаби олимлар ва тадқиқотчилар асарларида глобаллашув жараёнлари инновацион технологиялар аҳамиятини, ҳамда диний, ахлоқий масалаларни ва

уларнинг ўзаро муносабати, ўхшаш, фарқли хусусиятлари устуворлиги уларнинг бу борадаги ғоялари муаммони ўрганишга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз истиқболи билан боғлиқ бўлган миллий ғоя ва маънавий масалаларининг глобаллашув шароитида миллий ғоянинг алоқадорлигини ўрганишда глобаллашув ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда инновацион технологиялар асосида миллий ғояни сингдириш билан боғлиқ масалалари Р.Қўчқоров, Д.Тожибоева, И.Эргашев, Н.Бердалиев, М.Давлетова, Ғ.Маҳаммаджанов, О.Бўтаёров, А.Азизхўжаев, Ш.Н.Саламов, М.Қуронов, С.Отамуродов, Ш.Муродова, А.Тулепов, Ҳ.Эрматов, О.Бозоров, С.Рахимов, А.Ташанов, Н.Умарова, Р.Ишмухамедов, М.Ёлдошев, Ш.Акрамова, Ш.Тўраев, Н.Жураев, Ш.Ақромова, Ж.Яхшилик, Н.Е.Муҳаммадиев[8] ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий тадқиқотларида мавзуга дахлдорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Натижалар

Ҳозирги кунда глобал ўзгаришлар даври янги-янги ҳудуд ва минтақаларни, инсон фаолиятининг барча соҳаларини ўз домига тортмоқда. Рус тадқиқотчиси М.Решетников глобаллашувнинг вужудга келиши ва ривожланишида ахборот технологияларининг ўрни катта эканлигини таъкидлайди. Олим глобаллашув жараёнидаги асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида «юқори технологияларнинг ривожланиши, ахборот узатиш тезлигининг ўсиши ва шаклининг мураккаблашиб боришини кўради»[2]. Дарҳақиқат, ахборотлашув жараёни глобал ўзгаришлар даврининг характерли хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Глобаллашув жараёнлари энг илғор, замонавий ахборот технологиялари воситасида ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши инсонлар учун чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда. Шу билан бирга глобал ўзгаришларнинг ҳозирги дунёда бир қатор ихтилоф ва зиддиятларни келтириб чиқараётган жиҳатлари ҳам мавжуд. Булар қаторида, аввало, маданият ва унинг бош томирини ташкил этган маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган муносабат масаласини келтиришимиз мумкин. *Шу жиҳатдан глобал ўзгаришларга бутун дунёни қамраб олган маданий инқилоб, дея таъриф бериш ҳам мумкин.* Бугунги кунда, глобал ўзгаришлардан самарали фойдаланилган тақдирда, ҳар қандай мамлакат, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам олға ҳаракат қилишнинг самарали шарти, кучли давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига бўлган умид таянчи сифатида қараш мумкин.

Бизнинг фикримизча глобал ўзгаришлар даврида ғоявий кураш тобора кучайиб борар экан, у, ўз навбатида, миллий ғоя ва маънавиятни янада юксалтиришни тақозо қилади. Шу боисдан ҳам миллий ғоя, унинг асосий мазмун-моҳияти, биринчи навбатда, миллатимиз маънавияти, миллий ва умумбашарий қадриятлари, мустақил давлат барпо этиш йўлидаги бой тажрибаларимизга асосланади ва улардан озиқланади. Қолаверса, миллий ғоя тарғиботининг қўтилган самараларни бериши учун уни жамиятнинг барча аъзолари манфаати нуқтаи назаридан муттасил равишда ривожлантириб, глобаллашиб бораётган замон талабларига мослаштириб бориш талаб этилади. Чунки миллий ғоя халқимизнинг келгуси тараққиёт йўллари кўрсатиб берувчи умуммиллий дастур бўлиб, унда жамиятимизнинг ривожланиш диалектикаси ўз аксини топган.

Миллий ғоя жамиятни жипслаштирувчи, уни ижтимоий тараққиёт қўндаланг қўяётган масалаларни ҳал қилишга, четдан бўлаётган ғоявий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган воситадир. Глобаллашув жараёнлари унга бўлган эҳтиёжни кескин оширади. Аслини олганда, глобаллашув жараёни бўлмаса, миллий ғояга ҳам эҳтиёж бу қадар сезилмасди. Бу

жараёнсиз ҳар бир миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривож топарди. Ташқи таъсир ва таҳдиднинг бўлмаслиги миллий ғояга эҳтиёжни ҳам бутунгидек долзарблаштирмас эди, бизнингча.

Академик Э.Юсупов ғоя ва мафкура, умуман, инсоният жамияти ва унинг эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда шаклланишини таъкидлаб, шундай фикр билдиради: «Миллий ғоя – этник илдизлари, тарихи, тили, маданияти, она юрти, эътиқоди, маънавияти, иқтисодий ҳаёти, кадриялари, анъана ва урф-одатлари бир бўлган қондош, жондош кишиларни муайян мақсадлар ва манфаатлар йўлида бирлаштириб, фаолиятини муштараклаштириб, йўналтириб турувчи руҳий омилдир»[3]. Олим мафкурани жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили бўлган инсон ва унинг онгли фаолиятини муайян бир мақсадга йўналтирадиган ғояларга аниқлик ва равшанлик киритадиган ҳамда оммани сафарбар этадиган восита сифатида кўради.

Ижтимоий-фалсафий манбаларда «миллий ғоя» тушунчасига турлича ёндашилган ва ҳар хил таъриф ва тавсифлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «миллий ғоя» тушунчаси ҳақидаги фикри унинг мазмунини анча мукамал ёритиб берган: «Миллий ғоя деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиши ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз»[4].

Биз тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, «миллий ғоя» тушунчасига қуйидагича таъриф беришни таклиф қиламиз: *миллий ғоя муайян бир миллат ўзининг тафаккурида ўтминини, бугунини ва истиқболини мужассамлаштирган ҳолда жамият ва одамларнинг руҳиятига кучли таъсир ўтказиб, уни ҳаракатга қорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, терең фикрлар, қарашлар мажмуидир.*

Ҳар қандай ғоя ҳам миллий ғоя бўла олмайди. Шахсий фикр ва қарашлар ўсиб, ижтимоий фикрга айланиши мумкин. Ижтимоий фикр эса воқеликка нисбатан ўзгариш ёки мақсадга мувофиқ ҳаракатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифода қилади.

Миллий ғоянинг аса моҳияти одамлар онгида, хотирасида ғоялигича қолмай, амалиётга, ҳаёт воқелигига айланган тақдирдагина намоён бўлади. Шундагина у глобал ўзгаришлар даврида миллий маънавиятни ташқи носоглом мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади. Миллий ғоя ҳар бир шахс ва фуқарода миллий гуруҳ, ифтихорни шакллантирадиган, миллат улуг мақсадининг рўёбга чиқишига хизмат қиладиган ва миллатни ҳаракатга келтирадиган қудратли омил ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб эса, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва янгиланишлар жараёнида миллий ғояни ривожлантириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланди. Айниқса, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги – Миллий Юксалиш фазасига кирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур»[5]лиги алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, миллий ғоя халқимиз ҳаётига чуқур кириб борадиган таъсирчан омил сифатида жамиятнинг асосий мақсадини ифода этар экан, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида «Миллий

тикланишдан миллий юксалиш сари!» деган устувор мақсад бош ғоя сифатида қарор топмоқда.

Муҳокама

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясида «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» деган устувор мақсад жамият ҳаётининг барча соҳаларини комплекс ривожлантиришни кўзлайди. Миллий ғоянинг асосий мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий ғоясидан келиб чиқади ва уни тўлдириб, бойитиш, халқимиз қалби ва онига янада чуқур сингдириш тарғибот механизмларининг самарадорлигига боғлиқ. Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари сифатида ягона Ватан туйғуси, адолат ва қонун устуворлиги, халқ розилиги, жамиятни ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқиш учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Глобал ўзгаришлар даврида инновацион технологияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни борасидаги маълумотларни жамлаш ва таҳлил қилиш тадқиқотимиз моҳиятини очишда муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Илм-фан, техника ва технологиялар жадал суръатлар билан ривожланаётган глобаллашув даврида бузғунчи ғоя ва мафкура тарғиботчиларининг одамларни ахлоқсизликка ундовчи ҳаракатлари туфайли келиб чиқаётган янги типдаги мафкуравий беқарорлик, ғоявий заифлик ва парокандаликларнинг олдини олиш, мафкуравий яккахоқимликка, ғоявий мутаассиблик, ғоясизликка қарши курашиш, унинг ўқ илдизига зарба бериш учун инновацион технологиялар асосида миллий ғояни ёшлар онги, қалби ва ички дунёсига сингдиришнинг замонавий усул ва воситалар орқали тарғиботини янада оширишни давр тақозо этмоқда. Бузғунчи ғояларнинг олдини олиш, ҳар қандай кўринишдаги мафкуравий тажовуз, ғоявий зиддият, ғоявий қарамлик каби ҳолатларга қарши кураш борасида илгари сурилаётган инновацион ғоялар, шу асосида ишлаб чиқилган усул ва воситалар юксак ахлоқийлик ва эзгуликка, адолатни қарор топтиришга йўғрилган бўлиши керак. Агар инновацион ғоя шундай мазмунга йўғрилмаган бўлса у, албатта, яна бир янги типдаги бузғунчи ғоя ва қарашларни келтириб чиқариши муқаррардир.

Шу ўринда «Инновация нима, унинг маъно-мазмуни нималардан иборат», деган саволга жавоб топиб олишимиз зарур. «Инновация» тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда («innovation») «янгилик киритиш» деган маънони англатади. «Инновация» тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: «Инновация (ингл. «innovations» - киритилган янгилик, ихтиро): 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодийга сарфланган сармоялар; 2) илмий-техника ютуқларига асосланган техника ва технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши»[6].

Файласуф олима Н.Шермухамедованинг «Кашфиёт, ихтиро, инновация бир турдаги ҳодисалардир. Бироқ уларнинг бири-бирида индивидуал-шахсий жиҳат, охиригида эса ижтимоий-маданий жиҳат ҳал қилувчи аҳамият касб этади»[7] деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, улар бир-бири билан тақозалашган жараён бўлиб ҳар бир инсон ақл имкониятининг маҳсули сифатида намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, ушбу таърифларда инновация жараёни соддалаштириб юборилган. Биринчи ҳолда амалий татбиқ этиш маҳсулоти, иккинчисида эса, жараён сифатида баҳоланган. Шунингдек, мазкур таърифларда инновация фақатгина иқтисодий-технологик муҳит доирасидаги ҳодиса деб талқин этилган ва инновациянинг социомаданий жиҳатлари ва уларнинг сиёсий, ижтимоий, когнитив ва бошқа соҳаларда намоён бўлиши эътибордан четда қолган.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда «инновация» тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин, деб ҳисоблаймиз: *инновация кўп қиррали жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган илгор гоялар, улар асосида яратилган илмий-амалий лойиҳаларни илм-фанларнинг сўнги ютуғи, техника ва технологияларнинг янги кашфиёти сифатида мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида қўлланилишидир.*

Хулоса

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, «глобаллашув», «миллий гоя» ва «инновацион технологиялар» тушунчаларига илмий адабиётлардаги таърифлар ҳамда уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари, гарчанд, миллатнинг этник бирлик сифатида шакланган даврида яшамаган бўлсалар-да, улар инновацион технологиялар асосида миллий гоя ривожига миллий ва умуминсоний кадриятларнинг негизига асосланган. Гоя эса жамиятнинг турли соҳаларини қамраб олади ва инновацион характердаги миллий гояларнинг ёшлар гоявий-мафкуравий, ахлоқий-маънавий ҳаётига татбиқ этилиши уларни бунёдкор гоя ва мафкура руҳида тарбиялаш ва бошқариш ишларининг самарали тарзда ташкил этилишига олиб келади. Хар қандай инновацион гоя жамиятнинг идеосферасида қуйидагича илмий-амалий аҳамият касб этади: хар қандай янгилик, энг аввало, гоядан бошланади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётининг мафкуравий соҳасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш учун, аввало, замонавий миллий гоя керак бўлади. Бундай гоя, биринчи навбатда, олимлар ва бошқа фаол фуқаролар томонидан илгари сурилади. Модомики, жамият ҳаётини ривожлантиришнинг инновацион гоялар тизими ҳақида илмий фикрлар баён қилинган экан, энди уни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бунда эътиборни яратилган инновацион миллий гоя асосида илм-фан ва техника-технологиялар орқали амалга оширилган илмий-ишланмаларнинг қандай натижалар беришига қаратиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <http://conflictmanagement.ru/globalizaciya-i-mesto-morali>
2. Решетников М.М. Глобализация - самый общий взгляд. Часть 1. - СПб., Восточно-Европейский институт психоанализа, 2002. - 76 с.
3. Юсупов Э. Миллий гоя ва мафкура: мохияти, ижтимоий-тарихий илдизлари, аҳамияти. Шимкент. 2001. 37-б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч – Тошкент: Маънавият, 2008. 52-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. 169-б.

7. Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент: «Инновация-Зиё», 2021. 229-б.
8. Ташметов Т.Х. Глобаллашув шароитида миллий ғояни ёшлар оғига сингдиришнинг инновацион технологиялари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. автореферати. – Тошкент: 2022. – 38 б.

МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Чориев Жўракул Гаффорович

Денов гадбиркорлик ва педагогика институти

choriyev63@mail.ru

Аннотация. Мақолада миллатлараро мулоқот маданиятининг ижтимоий тотувликни таъминлашдаги аҳамияти, ушбу йўналишда дунё ҳамжамияти ва, хусусан Ўзбекистон Республикаси президентининг ташаббуси билан олиб борилаётган ислохотларнинг ўзига хослиги очиқ берилган. Мақолада муаллиф бағрикенглик ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг ажралмас қисми эканлигини таъкидлаб ўтган. Шунингдек, мамлакатда миллатлараро тотувлик ғоясининг доимий устувор бўлиши ижтимоий тотувликни таъминлашнинг калити эканлиги алоҳида таъкидланган.

Калит сўзлар: маданият, мулоқот, бағрикенглик, ижтимоий тотувлик, таъмин, глобаллашув, диний конфессиялар, интеграция.

ЗНАЧЕНИЕ КУЛЬТУРЫ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОГО ОБЩЕНИЯ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ОБЩЕСТВЕННОГО СОГЛАСИЯ

Чориев Жўракул Гаффорович

Денуский институт предпринимательства и педагогики

choriyev63@mail.ru

Аннотация. В статье раскрывается значение культуры межнационального общения в обеспечении общественного согласия, уникальность реформ, проводимых в этом направлении мировым сообществом и, в частности, по инициативе Президента Республики Узбекистан. В статье автор подчеркнул, что толерантность является неотъемлемой частью духовности и культуры узбекского народа. Также было подчеркнуто, что постоянный приоритет идеи межнационального согласия в стране является залогом обеспечения общественного согласия.

Ключевые слова: культура, общение, толерантность, общественное согласие, принцип, глобализация, религиозные конфессии, интеграция.

THE SIGNIFICANCE OF THE CULTURE OF INTERNATIONAL COMMUNICATION IN ENSURING PUBLIC CONSENT

Choriev Jurakul Gaffarovich

Denau Interpretation and pedagogy institute

choriyev63@mail.ru



25	Internetning yoshlar ma'naviyatiga ta'siri Nomozov X.Sh.....	164
26	Экологик кадриятларни шакллантириш ва ривожлантиришда таълим-тарбия ролини ошириш усуллари Саодатов А.А.....	169
27	Бердақнинг ижодий фаолиятида ифодаланган одобилик туйғуларининг жамиятдаги ахлоқий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришдаги роли Яхшиликков Ж.Я, Ерназарова С.К.....	173
28	Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳоёларнинг шаклланиши ва ривожланиши Қандов Б.М.....	179
29	Ёшларда коррупцияга қарши маънавий иммунитетини шакллантиришнинг ҳоёвий асослари Мажидов Э.О.....	184
30	Yuksak huquqiy madaniyat - mamlakatimiz rivojlanishining muhim omili Хо'жахонов I.A.....	187
31	Ўсмирлар маънавий-эстетик дунёқарабини ривожлантириш – артпедагогик жараён сифатида Рамазонова М.Ғ.....	191
32	Замонавий медиамарказларнинг умуминсоний ва миллий хусусиятлари Арзиев Р.А.....	196
33	Глобал ўзгаришлар даврида, миллий ҳоёл ва инновацион технологияларининг муҳим жиҳатлари Ташметов Т.Х.....	200
34	Миллатлараро мулоқот маданиятининг ижтимоий тотувликни таъминлашдаги аҳамияти Чориев Ж.Ғ.....	206
35	Ҳаёт давомида таълим олиш тамойили инсон билиш имкониятларини кенгайтирувчи омил сифатида Абдуллаева Ҳ.Р.....	210
36	Ёшлар экологик маданиятини ривожлантиришнинг ахлоқий жиҳатлари Орипов Ф.Й.....	215
37	Ипак йўлини тадқиқ этишда хорижий илмий марказларнинг асосий йўналишлари Нодир Кузиев.....	219